



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 18 март, № 54 (6489)

Жума

Сайтимиғизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## «Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорликни мустақамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда»

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида ташкилотнинг олти расмий тилида Ўзбекистон Республикасининг халқаро тизимлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги ахборот материали БМТ Бош Ассамблеяси 70-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

### ЭЪТИРОФ



Унда 1992 йили БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзолари сафига кирган мамлакатимизнинг мазкур ташкилот билан ҳамкорлиги натижалари ҳам ўз ифодасини топган. Ҳужжатда 24 йил давомида Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг турли йўналишлардаги иктисодлаштирилган муассасалари билан самарали алоқалари ҳақида батафсил маълумот берилган. Хавфсизликка замонавий таҳдид ва хавф-хатарлар, оммавий қирғин қуролини тарқатмаслик, экология муаммоларини ҳал қилиш, жумладан, Орол денгизи инқирози оқибатларини юмшатиш,

ижтимоий-иктисодий тараққиёт, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва рағбатлантириш ўзаро ҳамкорликнинг асосий устуворликлари сирасига кириши санаб ўтилган. Таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, унинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича сайё-ҳаракатлари БМТ фаолияти билан ҳаммаҳамдир. Республика амалда қуролсизланиш ва ядро қуролини тарқатмаслик соҳасидаги барча муҳим халқаро битим ҳамда шартномаларнинг иштирокчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан, биринчи бўлиб БМТ минбаридан жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола этилган гоё туйфайли Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудудга айланди.

Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш БМТ фаолиятида муҳим ўрин тутдики, улар сўнгги ўн беш йил давомида барча давлатлар учун мажмуавий мўлжал бўлиб келди. Барқарор ривожланиш мақсадлари — келажак учун янги кун тартибидир. Шу боис мазкур ҳужжатда маълум қилинганидек, Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг амалга оширилиши даврида Ўзбекистон ўз Ҳаракат режасини муваффақият билан бажарди ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида янги марраларга эришилишига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилоқда.

(Давоми 2-бетда).

### «ТАШАББУС — 2016»

Мамлакатимизда тадбиркорликка қўл уриб, иқтисодийетимиз равангага муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармонлар сони тобора кўпаймоқда. Кичик бизнес, фермерлик ҳаракати ва хунармандчиликни ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратиб берилиб, уларнинг фидокорона меҳнати муносиб рағбатлантирилаётгани бунда муҳим омили бўлапти.

Мазкур соҳа вакиллари эришаётган ютуқлар эса Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус — 2016» кўрик-танловида кенг намоиш қилинаётир.

## Тадбиркорлик ҳаракатига кенг йўл

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.

Оролбўйи ҳудудда кўрик-танловнинг кўйи босқичлари жуда қизғин кечди. Чунки кичик бизнесни жадал тараққий топтириш, иқтисодийетда хусусий секторнинг улушини ошириш, тадбиркорлик фаолиятига илгор тажрибаларни татбиқ этиш мақсадида ўтказиб келинаётган ушбу танлов иштирокчилари сони йилдан-йилга ортмоқда. Бу гал улар орасидан энг илгор, энг ташаббускор 44 нафар тадбиркор, фермер ва хунарманд якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун беллашди.

— Ўтган йили бизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги ҳиссаси 64,6 фоизга етди, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Хўжамурат Қайипназаров. — Бундай натижага, албатта, охириги бир йилда соҳага 494 миллиард 283 миллион сўмлик банк кредитлари йўналтирилиб, 5487 та

истиқболли лойиҳа амалга оширилгани туйфайли эришилди.

Танлов қатнашчилари маҳсулотлари кўргазмаси эса савдо-ярмарка тусини олди. Якунда Нукус шаҳридаги «Muratbek mebel» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Муратбек Тангирбергенов «Энг яхши тадбиркор», Тахтақўпир туманидаги «Qaharman-Taxta» фермер хўжалиги раҳбари Жангир Адиллов «Энг яхши фермер», Кеғейли туманилик Дилназ Адилчаева «Энг яхши хунарманд» деб топилди.

**БУХОРО.** Анъанавий равишда уюштирилаётган «Ташаббус» кўрик-танлови ишбилармон фермерлар, халқ амалий санъати усталари, кенг жамоатчилик вакиллари катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бухоро шаҳридаги мухташам «Семурғ» мажмуасида ўтказилган ушбу тадбирнинг вилоят босқичида ҳудуддаги энг сара ишбилармонлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

### Янгиликлар, воқеалар,

## хабарлар



### Талаб ва таклиф асосида

#### Жиззах

Фаллаорол туманидаги «Nargiza teks» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини бошлаганига эндигина бир йил бўлди. Лекин шу қисқа вақт мобайнида корхонада тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари сифатлиги боис ўз харидорини топиб улгурди.

Айни пайтда жамият тадбиркорлари ишлаб чиқариш қўламини кенгайтириш борасида изланишлар олиб бораёпти. Чунончи, яқинда 78 минг 400 АҚШ доллари эвазига хоридан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Натижада бу ерда меҳнат

қилаётганлар сони 190 нафарга етди. Товарлар тури эса 5 тага кўпайди. — Корхонамиз бир кунда уч минг донагача маҳсулот тайёрлаш қувватига эга, — дейди «Nargiza teks»нинг режалаштириш бўлими бошлиғи Сардор Эгамқулов. — Бозор талаби ҳамда буюртмачилар истагига кўра, ўтган давр ичида янги дизайнда 30 турдаги либослар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жиззах вилоятида саннат салоҳиятини юксалтириш борасида олиб борилган сайё-ҳаракатлар натижасида ўтган йили 213 та истиқболли лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди.

Тождидин КАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Энг илгор усуллардан фойдаланилди

#### Сирдарё

каналининг Гулистон шаҳридан оқиб ўтувчи 2,5 километрик қисмини бетонлаштириш ишларини ниҳоясига етказишди.

Ушбу вазифани амалга оширишда ирригация-қурилиш соҳасининг энг замонавий усуллари қўлланилди. Жумладан, анҳор ўзанига бир миллиметр қалинликдаги геомембрана ва геотекстиль қопланди. Ўз навбатида, ётқизилган бетон мустақамлигини таъминлаш мақсадида арматура тўрларидан фойдаланилди. Мутахассисларнинг айтишича, буларнинг барчаси филтрацияга бутунлай барҳам беради. Натижада ер ости суви саҳти сезиларли даражада камаяди, шаҳардаги санитария-гигиеник ҳолат янада яхшиланади.

Айни чоғда мазкур гидроиншоот атрофини ободонлаштириш, хусусан, унинг ёнида хиёбон барпо этиш мўлжалланмоқда. Кузга бориб каналнинг яна 7,5 километрик қисми бетонлаштирилади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги

#### Бухоро

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳазурдаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси томонидан Бухорода «Худудий инновацион тизим модели» мавзусида семинар ташкил қилинди.

Бухоро муҳандислик-технология институти ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида Европа Иттифоқининг «Темпус» дастури

доирасида ўтказилган тадбирда ҳудудларнинг инновацион тараққиётини таъминлашда олий таълим муассасаларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Тадбиркорлар ҳамда тадқиқотчилар тренинг машғулотида иштирок этди. Ўзаро алоқаларни мустақамлаш, инновацион фаолиятнинг мазмун-моҳиятига оид мулоқотларда фаол қатнашдилар. Илм-фан ва ишлаб чиқариш билан ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари белгилан олинди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Фасллар ичида баҳорнинг ўзгача таровати бор. Боғу роғлар, далаю дашт ҳамда хиёбонларнинг ажиб гўзаллигидан дил яйрайди. Атрофдаги турфа гиёҳлар, гулларнинг ифори димоғни қитқилаб, кишига хушқайфият улашади. Айниқса, истиқлолимиз туйфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудига юз бераётган бекиёс ўзгариш ва янгилинишлар фасли навбаҳорга ҳаммаҳамд тарзда ўзига хос жозиба касб этмоқда.

## Обод юртнинг гўзал баҳори

Юртдошларимизнинг ҳаёти фаровон, эртанги кунга бўлган ишончи мустаҳкам. Бу эса уларни она-Ватанимиз раванга йўлида фидойилик билан меҳнат қилишга ундаяпти.

Наврўзи олам шукуҳи кезиб юрган айни кунларда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, хусусан, Мустақиллик майдони ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Ушбу муаззам масканга ташриф буюрганларнинг дилида ва тилида шукрона. Улар билан суҳбатлашсангиз, истиқлолимиз, тинч ҳамда осойишта ҳаётимиз қадри ҳақида гапиришад.

**Юнус ИБODOV,**  
Яшнобод тумани,  
«Наврўз»  
маҳалласида  
истиқомат қилувчи  
меҳнат фахрийси:

— Киши ҳар баҳорда яшаради. Янги куч, қувват олади. Асл миллий ва ардоқли байрамимиз — Наврўзи олам эса дилларга олам-олам қувонч олиб келади. Боиси, ушбу тантананинг замирида энг эзгу тилақлар, орзулар ижобати мўжжасан. Истиқлолимиз туйфайли Наврўз удумлари тикланди, халқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас бўлагига айланди. Чунки у тинчлик, омонлик ҳамда аҳиллик айёмидир.

Ушбу байрам биз каби ёши улуг кишиларга алоҳида сурур бағишлайди. Наврўз билан боғлиқ турли анъаналар, маросимларни кўриб, шодланамиз. Гўёки, юрагимизга ёшлик шижоати, куч-ғайрати ингандай бўлади.

Энг муҳими, мустақиллик шарофати билан қаддимиз тик, қадримиз

юксак. Бугун ҳар бир юртдошимизнинг қалби чекис гурур ва ифтихорга тўла. Чунки ҳаётимиз чароғон, орзуларимизнинг ижобатини кўриб ашмаяпмиз.

Касбим геолог бўлгани учун табиатга қизиқаман. Диёримизнинг саҳоватли заминини, унинг бойликлари ҳақида набираларимга гапириб бераман. Улар замонавий шароитларда, ҳеч қандам кам бўлмайдик камол топаёпти. Биз, кексалар нуридийдаларимизнинг иқболи бундан-да порлоқ бўлсин, деб дуо қиламиз ҳаммиса.

Мустақиллик майдонида тез-тез бориб тураман. Айни кунларда ушбу сўлим гўша янада гўзал қиёфа касб этган. Ҳар ён яшилликка бурканган. Наврўзи олам барчага бахт ва омад, эзгуликлар олиб келсин.

**Абдулхамид АСКАРОВ,**  
Фаргона вилояти,  
Учкўприк тумани,  
«Наврўз» қишлоқ  
фуқаролар йиғини  
фаоли:

— Мустақиллик майдонини томоша қилиб, юрагим ўзгача туйғуларга лим-лим бўлди. Тўғри-да, бу гўзал ва бетакрор маскан ҳар биримизни тўлқинлантиради. Истиқлолимиз шарофати билан мамлакатимизнинг барча ҳудуди кун сайин чирой очмоқда. Сўлим хиёбонлар, маҳобатли бино ҳамда иншоотлар, спорт мажмуалари қад ростлаёпти. Энг асосийси, юртдошларимиз дориларам кунларда шоду хуррам умргузаронлик қилаётир.

(Давоми 2-бетда).

### 2016 йил — соғлом она ва бола йили

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ҳудудлардаги бирламчи тиббий-профилактика муассасаларида патронаж ойлиги ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 1 апрелига қадар давом этадиган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад тиббий-профилактика ишларини янада такомиллаштириш, фертил ёшидаги аёллар, ҳомилдорлар, болалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож беморлар ҳолидан хабар олиш ва тиббий-санитария

ёрдами кўрсатишни кенгайтиришдир. Мазкур ойликда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бирламчи тиббий-профилактика муассасаларининг 17000 нафардан зиёд патронаж ҳамшираси, 7000 нафарга яқин умумий амалиёт врачлари фаол қатнашаёпти. Айтиш керакки, мамлакатимизда

(Давоми 2-бетда).

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўтган йили мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган

# 230 та

корхона фаолият бошлади.



Бу эса заминимизда етиштирилган ноз-неъматларни чуқур қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, аҳолининг бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини узлуксиз таъминлаш, экспорт амалиётини кенгайтириш, шунингдек, нарх-наво барқарорлигини сақлашга хизмат қилгани билан гоётада аҳамиятлидир.



Олимпиада ўйинлари:

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА ЯНГИЛИКЛАР

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари бошланишига ҳам тўрт ойдан кўпроқ вақт қолди. Айни пайтда халқаро спорт жамоатчилигини соҳага доир бўлмаган яна бир жиҳат қизиқти- раяпти. У мезбон давлатдаги эпидемиологик вазиятдир.

Об-ҳавода фарқ қандай?

Найля СВЕТЛИЧНАЯ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини катта илмий ходими:

— Олимпиадада спортчи учун арзимас нарсанинг ўзи йўқ. Бу, айниқса, тай- ёрларлик жараёнлари киз- гин паллага кирган ҳозир- ги шaroитда жуда муҳим- дир. Бундай пайтда ҳар бир нарсага, хусусан, Ло- тин Америкаси иқлимнинг ўзига ҳосилларини эъти- бордан четда қолдирмас- лик лозим.

нобарин, Ўзбекистонда са- нитария назорати органла- ри томонидан бу борада қатъий мониторинг ўрнатил- ган бўлиб, аэропортларга келган барча йўловчилар шу каби хасталикларнинг асосий аломати — тана ҳарорати кўтариллигини қайд этадиган тепловизор- лардан ўтказилаяпти.

Саидмурод САЙДАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг, Республика Бош давлат санитария вазири:

Негаки, бизнинг ҳудудда ушбу хасталик билан боғлиқ ҳолат узок вақтдан бери қайд этилмаган. Аммо Лотин Америкаси- нинг мазкур давлатида шу сингари муаммолар, хусусан, Денге безгаги билан боғлиқ вазият тобора кес- кинлашиб бораёпти. Шу маънода, ҳар бир давлат ҳудудида ана шундай касал- ликнинг кириб келиш хав- фи сақланиб турибди. Би-

Зика вирусини хавфлими?

— Бразилияга бориш ҳамюртларимиздан алоҳида эҳтиёткорлик чораларини қўришни талаб этади. Саба- би, у ерда бизда анчадан бери кузатилмаётган хаста- ликлар, жумладан, безгак учирайди. Айни пайтда Ўзбе- кистон Жаҳон соғлиқни сақ- лаш ташкилотидан мазкур касалликдан холи мамлакат сертификатини олиш йўли- да иш олиб бораёпти. Бун- га етарлича асослар бор.

Эркин МУСАБОВЕВ, Вирусология илмий тадқиқот институтини директори:

— Зика янги касаллик тури бўлиб, тропик давлатларда олдин ҳам кузатиб келинган. Бу галги ҳолат уни ташувчилари саналадиган чивин- ларнинг кескин кўпайиб кетиши билан боғлиқ. У жуда хавфли вирусли инфекциялар сирасига кирмайди ва мазкур дардди орттириш даяри оғир ҳолатга олиб бор- майди. Бироқ айнан ушарга хос ва юқори- да айтиб ўтилган ҳашарот туридан тарка- ладиган "сарик безгак"нинг инсон ҳаётига зомин бўлиш хавфи 20 фоиздан зиёддир. Айни пайтда унга қарши эмлаш масаласи муҳокама этилаёпти.

Таъкидлаш ўринлики, Зика вирусини энгил

ўтиб кетади. Унинг айрим аломатлари грип- га ҳам ўхшайди. Шундай бўлса-да, у спортчи- ларни жуда ноқулай аҳволга солиб қўйиб, улардаги меҳнат лаёқатини даяри бир ҳаф- тага чеklang қўяди. Ҳозирча у билан боғлиқ турли патологик ҳолатлар исботланмаган. Айтиш ўринлики, ҳар қанақасига ҳам эпи- демиялогик жиҳатдан ҳушёрлик зарур. Шу сабаб биз мазкур мавзуга оид барча ахборотларни диққат билан кузатиб бораёмиз. Бундан ташқари, мамлакатимиз спортчи- лари ва расмий делегацияси аъзолари учун Бразилияга хос юқумли касалликлар, улар- нинг тарқалиш ҳудудлари, профилактика усуллари жой олган махсус эслатма тайёр- ланди. ЖССТга эса Зиканинг экспресс-таш- хиси тестини олиш учун сўров жўнатилган.

Qishloq Qurilish Bank

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

Фаолиятига оид муҳим фактлар тўғрисида маълумот

Банкнинг тўлиқ номи — Акциядорлик тижорат банки «Қишлоқ қурилиш банк». Банк жойлашган манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-«А» уй.

Банк акциядорлари диққатига!

2016 йил 29 март куни соат 10.00 дан бошлаб АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг акциядорлари умумий йиғилиши бўлиб ўтади. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-«А» уй. Акциядорлар 2016 йил 29 март куни соат 9.00 дан 10.00 гача рўйхатга олинади.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

- 1. Банкнинг 2015 йилдаги фаолияти бўйича банк кенгашининг ҳисоботи.
2. АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг 2015 йилдаги фаолияти натижалари бўйича банк бошқарувининг ҳисоботи ва 2016 йилга белгиланган устувор вазифалар.
3. Банкнинг 2015 йилдаги фаолияти бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
4. 2015 йил 31 декабрь ҳолатига банкнинг бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.
5. 2015 йил фаолияти якуни бўйича банк фойдасини тақсимлаш.
6. Эълон қилинадиган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
7. Банк уставига ўзгаришлар ҳамда қўшимчалар киритиш.
8. Банк кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ҳамда бошқарув аъзолари таркибини тасдиқлаш.
9. Банкнинг 2016 йил фаолияти якуни бўйича аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишига акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжат, ваколатли вакиллар эса белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт.

- 1. Умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш учун реестр ёпиладиган сана — 2016 йил 29 март.
2. Умумий йиғилишда иштирок этадиган акциядорлар реестри ёпиладиган сана — 2016 йил 23 март.

Хизматлар лицензияланган.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

астарбоп мато

ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер эълон қилади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Талабгорлардан тендерда қатнашиш учун тендер тақлифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Маълумот учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефон орқали мурожаат этиш мумкин: (0-371) 255-75-12. Факс: (0-371) 281-43-72.

3334/140

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Самарқанд филиалида 2016 йил 30 март куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда:
I. Самарқанд шаҳар СИБ томонидан Самарқанд вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 4 сентябрдаги 14-1515/12294-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Оби Раҳмат кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер майдони 3919,82 кв.м., қурилиш ости майдони 1389,12 кв.м. бўлган ресторан биноси.

- Бошланғич баҳоси — 1 527 494 000 сўм.
II. Пастдарғом тумани СИБ томонидан Самарқанд вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 14 сентябрдаги 14-1516/5380-сонли ижро варақала- рига асосан хатланган, Пастдарғом тумани, «Димшиқиболо» ҚФЙ, Чортут маҳалласида жойлашган:
1. Умумий майдони 7827,07 кв.м., фойдаланиш майдони 2236,72 кв.м. бўлган сутни қайта ишлаш цехи биноси.
Бошланғич баҳоси — 970 120 000 сўм.
2. Умумий майдони 288,49 кв.м., фойдаланиш майдони 482,74 кв.м. бўлган сутни қайта ишлаш цехининг маъмурий биноси.
Бошланғич баҳоси — 204 900 000 сўм.
3. Қурилиш ости майдони 2016,96 кв.м. бўлган, бузоқлар учун 1-«А» сонли айвон ҳамда қурилиш ости майдони 1031,40 кв.м. бўлган, бузоқлар учун 1-«А» сонли айвон.
Бошланғич баҳоси — 250 000 000 сўм.
4. Қурилиш ости майдони 1400 кв.м., фойдаланиш майдони 1344 кв.м. бўлган 1-«А» сонли айвон.
Бошланғич баҳоси — 160 089 200 сўм.

5. Ер майдони 2649 кв.м. бўлган, 100 бош қорамолга мўлжалланган айвон, шу жумладан, қурилиш ости майдони 1996,27 кв.м. бўлган, бузоқлар учун 1-«А» сонли айвон, қурилиш ости майдони 650,25 кв.м. бўлган 2-«А»-1-сонли қўтон (загон).

Бошланғич баҳоси — 410 000 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Ушбу кўчмас мулклар 2016 йил 30 мартдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уларнинг тақдирини аукцион савдоси 2016 йил 14 апрель куни соат 11.00 да ўтказилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 150-уй, 3-қават. Телефон: (0-366) 234-06-38.

Хизматлар лицензияланган.

СОЛИҚ ТўЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 189-моддасига биноан, жисмоний шахслар 2015 йил давомида олган:

- мулквий даромадлари, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;
• фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тарикасида олинган даромадлари;
• асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлари;
• икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлари;
• Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари ҳамда солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлари юзасидан 2016 йил 1 апрелдан кечиктирмасдан жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этишлари лозим.

Жисмоний шахслар жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига:

- шахсан ташриф бурурган ҳолда ёки ишончли вакил орқали;
• почта хизматида фойдаланиб, бюрютма хат орқали;
• Давлат солиқ кўмитасининг расмий www.soliq.uz сайтидаги «Электрон солиқ декларациялари» интерактив хизматидан фойдаланган ҳолда, электрон шаклда тақдим этишлари мумкин.

Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаслиги, ўз вақтида тақдим этмаслиги ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 174-моддаси 3-қисмига асосан, белгиланган тартибда жазима солишга сабаб бўлади.

Шундай экан, солиқ декларацияларини 1 апрелдан кечиктирмай топширишни унутман!

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси.

4296/93378

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2016 йил 22 апрель куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- 1. Тошлоқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 3 декабрдаги 1507/22694-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, «Арабозор» ҚФЙ, «Тегирмонбоши» МФЙ, Олтин водий кўчасида жойлашган, ер майдони 4011 кв.м., қурилиш ости майдони 553,22 кв.м., фойдаланиш майдони 200,72 кв.м. бўлган, 0001 — 0008 ва 0010-литер- лардаги маҳалла гузарги, савдо, маъмурий хизмат кўр- сатиш ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари.
Бошланғич баҳоси — 130 000 000 сўм.
2. Тошлоқ тумани СИБ томонидан ФИБ Марғилон туманлараро судининг 2015 йил 4 майдаги 1-1385/2015-сонли ижро варақасига асосан хат- ланган, Тошлоқ тумани, «Варзак» ҚФЙ, «Қипчоқ- арик» МФЙ, Ҳақиқат кўчаси, 22-уйда жойлашган, ер майдони 1393 кв.м., қурилиш ости майдони 377,87 кв.м., тураржой майдони 139,7 кв.м. бўлган, 0001 — 0013-литерлардаги уй-жой.

Бошланғич баҳоси — 39 000 000 сўм. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 20 апрель куни соат 17.00 да тўхтатилади.

2016 йил 8 апрель куни соат 14.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархда тақдоран қўйилмоқда:

- 1. Риштон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 20 сентябрдаги 15-12-05/30400-сонли, 2013 йил 17 январдаги 15-13-03/38789-сонли ва 2013 йил 8 ноябрдаги

15-13-09/21125-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Риштон тумани, «Оқолтин» ҚФЙ, Янгибод қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 462,66 кв.м., фойдаланиш майдони 760,16 кв.м. бўлган, 0001, 0001а-литерлардаги икки қаватли ётоқхона.

- Бошланғич баҳоси — 169 034 611 сўм.
2. Қўқон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2015 йил 4 августдаги 15-1404/9324-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўқон шаҳри, 46-МФЙ, Темуру Малик кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 300,67 кв.м., фойдаланиш майдони 122,51 кв.м. бўлган, 0001 — 0012-литерлардаги «Лакомка» дам олиш павильони.
Бошланғич баҳоси — 182 530 310 сўм.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2016 йил 6 апрель куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 58-уй, 1-қават. Телефонлар: (+99873) 244-60-09, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

4797/74

«NEW TRANS ALLIANCE» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 31 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:

- 2012 йил 22 июндаги 9589-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11 X 0082 бўлган, «КамАЗ» русумли.
Бошланғич баҳоси — 3 516 888 сўм.
• 2010 йил 17 майдаги 4697-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами X 110 ОСА бўлган, «КамАЗ-5511» русумли.
Бошланғич баҳоси — 6 903 222 сўм.
• 2015 йил 16 декабрдаги 21722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 J 184 RA бўлган, «Mazd» русумли.
Бошланғич баҳоси — 18 949 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли туман суд ижрочилиги бўлими вакили

иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «New trans alliance» МЧЖнинг АТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО: 01103, СТИР: 301829604.

Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаш шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (+99895) 177-84-77.

Гувоҳнома № 004593.

«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 10 мартдаги 48 (6483)-сонидан берилган эълонда «2016 йил 12 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда» жумласи бундан кейин қуйидагича ўқилсин: «2016 йил 12 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда».

4424/157

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖ жамоаси «АнгренИЭСқурилиш» унитар корхонаси директори Мирзаали Рўзиева ўғли Шерали РЎЗИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz

## МАДАНИЯТ

## хабарлари

Янгиланиш,  
яшариш тараннуми

Тошкент Фотосуратлар уйида уюштирилган фотокўргазма "Ассалом, Наврўз!" деб номланди.

Тадбирдан кўзланган мақсад миллий анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини фото санъати орқали ихлосмандларга етказиш, яшариш ҳамда янгиланиш айёми — Наврўзга оид суратларни томошабинлар эътиборига ҳавола этишди.

Унда юртимиз табиати, тинч-осойишта

турмушимиз, обод ва фаровон шаҳару қишлоқларимиз, бозорларимиз ҳам ўзига хос тарзда тасвирланган.

Кўргазмада, шунингдек, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари вакиллари томонидан тақдим қилинган фотосуратларга ҳам кенг ўрин ажратилган.

Моҳира АДIZОВА.

Ўзбекистон —  
бағрикенг диёр

Қарши санъат коллежида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон — бағрикенг диёр" номи фотокўргазма очилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган мазкур кўргазмада фотосуратларнинг 100 га яқин асари намойишга қўйилган.

Тадбирга ташриф буюрганлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, кенг қўлам

ли ислохотлар, ишлаб чиқариш, илм-фан, таълим, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришилган ютуқлар билан танишиш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, кўргазмада муқаддас қадамжолар, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик муҳити акс эттирилган асарлар ҳам намойиш қилинмоқда.

Дилфуза ҚАРШИБЕКОВА.



## «МИКРОКРЕДИТБАНК»

акциядорлик тижорат банки  
жамоаси

Ўзбекистон аҳлини асал билан, энг ардоқли байрами —

Наврўзи олам

билан қутлайди ҳалида юрtdошларимизга

«Фаровон ҳаёт»

«Пойдевор»

«Самара»

«Омад»

«Ёшлик»

«Жозоба»

«Адолат»

«Оила жамғармаси»

но.м.и янги оловат турларини тақдир этади!

«МИКРОКРЕДИТБАНК» САРМОЯЛАРИ —  
ТАДБИРКОРЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА!

Телефон: (+99871) 202-99-99. [www.mikrocreditbank.uz](http://www.mikrocreditbank.uz)

Хизматлар лицензияланган.

**«Дўстлик» орденли Навоий  
кон-металлургия комбинатининг  
кўп минг кишилик жамоаси**

Ўзбекистон халқини баҳор ва уйғониш,  
янгилини ҳамда яшариш айёми —  
**НАВРЎЗ ОЛАМ**  
муносабати билан самимий  
табриклайди!

Меҳр-муҳаббат, эзулик ва қадриятлар ўз ифодасини  
топган шуқулли Наврўз кунларида энг яхши  
истакларингиз рўёбга чиқишини тилайди.  
Хонадонингиздан қут-барака, фаровонлик аримасин!  
Баҳор байрамингиз муборак бўлсин,  
азиз ҳамюртлар!

**Assalom, Navro'z!**

*Aziz yurtdoshlar!*  
*Navro'z ayyomingiz qutlug',*  
*Vatanimiz ravnaqi yo'lidagi*  
*ishlaringiz xayrli bo'lsin!*

*Bayramona kuyfiyat*  
*Sizni hech qachon tark etmasin!*

*"Hamkorbank" ATB jamoasi.*

0-800-1-200-200  
[www.hamkorbank.uz](http://www.hamkorbank.uz)

**HAMKORBANK**  
BIRGALIKDA YUKSALISH SARI

Xizmatlar litsenziyalangan.

Халқ сўзи  
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлашлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Махсумов.  
Навбатчи — М. Холматова.  
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.55 Топширилди — 21.20 1 2 3 4 5 6